



НОКИМИ

ҲОКИМИ

## Q A R O R

10 yil "4" avgust

Samarqand tumani

9-Q Sonli

“Фуқаро Аббосова Соҳибага  
184-23с-09 серияли намунавий  
лойиха асосида уй-жой биноси  
ва аралаш савдо дукони қуришга  
ер майдони ажратиш тўғрисида”

Фуқаро Аббосова Соҳиба туманҳокими номига ариза билан мурожаат қилиб,  
“Улуғбек” қишлоқ фуқаролар йиғини “Янгиариқ” маҳалласи бош режаси ҳудудида 184-  
23с-09 серияли намунавий лойиха асосида уй-жой биноси ва аралаш савдо дукони қуриш  
учун ер майдони ажратиб беришни сўраган.

Юқоридагиларни, вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси Давлат экологик  
экспертизасининг 2010 йил 26 июлдаги 797-сонли хулосаси, туман ер танлаш  
хайъатининг далолатномасини ҳамда туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини  
бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиясининг 2010 йил 30  
июлдаги 103-сонли хулосасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2009 йил 3 августдаги ПК-1167 сонли «Қишлоқ жойларда уй-жой  
қурилиши кўламини кенгайтиришга оид кўшимча чора тadbирлар тўғрисида»ги қарори  
ҳамда Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 23- моддасига асосан

### Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Фуқаро Аббосова Соҳибага «Улуғбек» қишлоқ фуқаролар йиғини «Янгиариқ»  
маҳалласи бош режаси ҳудудидан 184-23с-09 серияли намунавий уй-жой биноси ва аралаш  
савдо дукони қуриш 0.06 га қишлоқ хўжалигида фойдаланмайдиган туман захира ерлари  
ҳисобидан ер майдони ажратиш ҳақидаги туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини  
бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиясининг хулосаси ҳамда  
туман ер танлаш ҳайъатининг тузган далолатномаси тасдиқлансин.

2. Фуқаро Аббосова Соҳибага намунавий уй-жой ва савдо дуконини қуришдан  
олдин қатъий равишда Ўзбекистон Республикаси «Шаҳарсозлик кодекси»нинг 8,39,54  
моддаларига амал қилган ҳолда архитектура талаблар топшириғи (АРТ), лойиха  
хужжатларини тайёрлаб давлат архитектура қурилиш назорати инспекцияси рўйхатидан  
ўтказиш юклатилсин.

3. Ушбу қарор бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи  
ўринбосари Б.Кодиров зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б.Садуллаев





НОКИМИ

ҲОКИМИ

## Q A R O R

01 2 yil "5" avgust

Samarqand tumani

51 Q Sonli

Самарқанд тумани «Кўштамғали» қишлоқ фуқаролар йиғини «Галаосиё» маҳалласида жойлашган сартарошхона ва пойабзал тузатиш дўкони биносига эгалик қилиш ҳамда ер майдонидан доимий фойдаланиш ҳуқуқини Мухитдинов Толибга бериш тўғрисида.

Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 1998 йил 07 январда 387-сон билан рўйхатдан ўтказилган «Бино ва иншоотларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги ва 1999 йил 27 майда 736-сон билан рўйхатдан ўтказилган «Ўзбекистон Республикасида Ер участкаларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги йўриқномалари, фуқаро Мухитдинов Толибнинг туман ҳоқими номига ёзган аризаси, Самарқанд туман ҳоқимининг 1996 йил 27 августдаги 477-Қ сонли қарори, туман давлат солиқ инспекциясининг 2010 йил 27 мартдаги 03/1-1394-сонли маълумотномаси, фуқаро Мухитдинов Толибнинг турмуш ўртоғи Баратова Зулхуморнинг нотариал идорасида тасдиқланган розилик хати ва Самарқанд туман «Ермулккадастр» хизмати давлат унитар корхонаси томонидан тайёрланган кадастр инвентаризация ҳужжатларини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 20-моддасига асосан,

### Қарор қиламан:

1. Самарқанд тумани «Кўштамғали» қишлоқ фуқаролар йиғини «Галаосиё» маҳалласида жойлашган А литерадаги пойабзал тузатиш дўкони (қурилиш остидаги ер майдони 23,04 м.кв) ва Б-литерадаги сартарошхона биноси (қурилиш остидаги ер майдони 23,52 м.кв) жами 46,56 м.квга эгалик қилиш ва жами 46,56 м.кв. ер майдондан доимий фойдаланиш ҳуқуқи Мухитдинов Толибга берилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси «Солиқ кодекси»га асосан, мулк ва ер солиғини ундириш туман Давлат солиқ инспекцияси (З. Аминов)га ва кадастр рўйхатидан ўтказиш вазифаси туман «Ермулккадастр» хизмати давлат унитар корхонаси (Т. Шаропов)га топширилсин.

4. Ушбу қарор бажарилишини назорат қилиш туман ҳоқимининг биринчи ўринбосари Б. Қодиров зиммасига юклансин.

Туман ҳоқими

Б. Садуллаев





НОКИМИ

ҲОКИМИ

## Q A R O R

2012 yil "5" avgust

Samarqand tumani

252-Q Sonli

Тумандаги "Боғибаланд" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги "Кўрғонча" маҳалласида яшовчи фуқаро Ишонқулов Ислонга муқобил ёқилғилардан фойдаланадиган енгил конструкцияли иссиқхона ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш цехи қуриш учун туман захира ерлари ҳисобидаги қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайган ерлар ҳисобидан 1.0 га ер майдони ажратиш ҳақида.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги "Озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорларини тўлдиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-1047-сонли қарори, туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссия йиғилишининг 2010 йил 2 июлдаги 87-сонли хулосаси, ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси ва фуқаро Ишонқулов Ислоннинг туман ҳокими номига ёзган аризасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 23-моддасига асосан

### Қарор қиламан:

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссия йиғилишининг 2010 йил 2 июлдаги 87-сонли хулосаси ва ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси тасдиқлансин.

2. Фуқаро Ишонқулов Ислонга муқобил ёқилғилардан фойдаланадиган енгил конструкцияли иссиқхона ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш цехи қуриш учун туман давлат захира ерлари ер харитасининг 147-контуридан жами 1,0 га (шундан: 1,0 га қишлоқ хўжалигида фойдаланмайдиган) ер майдони ажратилсин.

3. Фуқаро Ишонқулов Ислонга иссиқхона ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш цехи қуришдан олдин, Ўзбекистон Республикаси «Шаҳарсозлик кодекси»нинг 8, 39 ва 54-моддаларига амал қилган ҳолда, А.Р.Т. лойиҳа смета ҳужжатларини тайёрлаб, Давлат қурилиш назорат экспертизаси ва назорат инспекцияси рўйхатидан ўтказиш вазифаси топширилсин.

4. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ кодекси»га асосан ер солиғини ундириш ва 2011 йил 1 январ ҳолатидаги ер балансига ўзгартириш киритиш туман Давлат солиқ инспекцияси (З. Аминов) ва Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Ш.Бурхонов)га топширилсин.

5. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Б.Қодиров зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б. Садуллаев



## Қ А Р О Р

2010 yil "5" avgust

Samarqand tumani

53 Q Sonli

“Улуғбек” қишлоқ фуқаролар йиғини  
“Хўжа Аҳрори Вали” маҳалласи ҳудудида  
фуқаро Ганиева Шохиста томонидан қури-  
лиши тугатилган адвокатлик биносини  
фойдаланишга қабул қилиш тўғрисида”

“Оҳалик” қишлоқ фуқаролар йиғини “Кўсаҳо” маҳалласида яшовчи фуқаро Ганиева Шохистанинг туман ҳокими номига ёзган аризаси, туман ҳокимининг 2006 йил 12-январдаги 19-Қ сонли қарори ҳамда туман давлат қабул қилиш ҳайъатининг тузган далолатномасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Шаҳарсозлик кодекси» нинг 20- моддасига асосан,

### Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Тумандаги “Улуғбек” қишлоқ фуқаролар йиғини “Хўжа Аҳрори Вали” маҳалласи ҳудудида фуқаро Ганиева Шохиста томонидан туман ҳокимининг 2006 йил 12 январдаги 19-Қ сонли қарори асосида ажратилган ер майдонида масоҳати 163 м.кв адвокатлик биносини қурилиши тугатилганлигини инобатга олиб, туман давлат фойдаланишга қабул қилиш ҳайъатининг тузган далолатномаси тасдиқлансин.

2. Фуқаро Ганиева Шохиста томонидан қайта қурилиши тугатилган адвокатлик биносига эгалик қилиш ҳуқуқи берилсин ҳамда туман ер тузиш ва кўчмас мулк давлат кадастр хизмати унитар корхонаси рўйхатидан ўтказиш топширилсин.

3. Ушбу қарор бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Б.Қодиров зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б.Садуллаев





НОКИМИ

ҲОКИМИ

## Q A R O R

2010 yil "5" avgust

Samarqand tumani

54-Q Sonli

“Дилшодбек Янгиобод Сайқали” масъулияти чекланган жамиятига умумий овқатланиш мажмуаси куриш учун ер майдони ажратиш туғрисида”

“Дилшодбек Янгиобод Сайқали” масъулияти чекланган жамиятининг туман ҳокими номига хат билан мурожаат қилиб, “Боғибаланд” қишлоқ фуқаролар йиғини “Янгиобод” маҳалласи ҳудудида умумий овқатланиш мажмуаси куришга рухсат беришни сўраган.

Юқоридагиларни, вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси давлат экологик экспертизасининг хулосаси, туман ер танлаш ҳайъатининг далолатномаси ҳамда туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиясининг 2010 йил 16 июлдаги 94-сонли хулосасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357 сонли «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш туғрисида»ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 23- моддасига асосан

### Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. “Дилшодбек Янгиобод Сайқали” масъулияти чекланган жамиятига «Боғибаланд» қишлоқ фуқаролар йиғини «Янгиобод» маҳалласи ҳудудидан умумий овқатланиш мажмуаси куриш учун 0.24 га. қишлоқ хўжалигида фойдаланмайдиган туман захира ерлари ҳисобидан ер майдони ажратиш ҳақидаги туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиясининг хулосаси ҳамда туман ер танлаш ҳайъатининг тузган далолатномаси тасдиқлансин

2. “Дилшодбек Янгиобод Сайқали” масъулияти чекланган жамиятига умумий овқатланиш мажмуасини куришдан олдин қатъий равишда Ўзбекистон Республикаси «Шахарсозлик кодекси»нинг 8,39,54 моддаларига амал қилган ҳолда архитектура талаблар топириги (АРТ) , лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаб Давлат курилиш экспертиза ва давлат архитектура курилиш назорати инспекцияси рўйхатидан ўтказиш юклатилсин.

3. Ушбу қарор бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Б.Кодиров зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б.Садуллаев





НОКИМИ

ҲОКИМИ

## Q A R O R

2010 yil "6" avgust

Samarqand tumani

1057-Q Sonli

«Каттакўрғонарик» қишлоқ фуқаролар йиғини,  
«Ўрта Хўжасохат» маҳалласида жойлашган  
уй-жойни Камолов Камолжон номига эгалик  
қилиш ҳуқуқини тиклаш ҳақида»

«Каттакўрғонарик» қишлоқ фуқаролар йиғини, «Ўрта Хўжасохат» маҳалласида яшовчи Камолов Камолжон туман ҳокимлигига ариза билан мурожаат этиб, яшаётган уй-жойига эгалик ҳуқуқини тиклаб беришни сўраб, туман Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати давлат унитар корхонаси томонидан 2010 йил 4 июнда тайёрланган 4607-сонли уй-жой режаси, шу ташкилот мутахассислари томонидан 2010 йил 30 март кунда тузилган текшириш далолатномаси, «Каттакўрғонарик» қишлоқ фуқаролар йиғинининг 2010 йил 21 майдаги 1685-сонли аризачининг оила аъзолари кўрсатилган ва номида 0,06 га ер майдони борлиги ҳақидаги маълумотномаси, туман Давлат солиқ инспекциясининг 2010 йил 20 майдаги 2886-сонли аризачи ер ва мол-мулк солиқларидан қарзи йўқлиги ҳақидаги маълумотномаси ва Ҳалқ Депутатлари Каттакўрғонарик қишлоқ совети ижроия кўмитасининг 1992 йил 23 октябрдаги 44/10-сонли Камолов Камолжонга уй-жой қуриш учун ер майдони ажратиш ҳақидаги қароридан нусхасини тақдим этган.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Фуқаролик Кодекси»нинг 188-моддаси, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 19-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 1998 йил 7 январда 387-рақам билан қайд этилган «Бино ва иншоотларни Давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида»ги Йўриқномага асосан

### Қ а р о р қ и л а м а н :

1. Туманнинг «Каттакўрғонарик» қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли «Ўрта Хўжасохат» маҳалласида 7-та яшаш хоналари майдони 144,43 м.кв., 2-та катта хона майдони 96,31 м.кв. ҳамда ёрдамчи хўжалик бинолари: 1-та ошхона, 1-та кириш жойи, 1-та айвон, 1-та ҳаммом, 3-та ҳожатхона ва 1-та дарвозахонадан иборат умумий 598,74 м.кв. ер майдонида жойлашган уй-жойга Камолов Камолжон номига эгалик қилиш ҳуқуқи тиклансин ва жами 598,74 м.кв. ер майдонига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи берилсин.
2. Туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати давлат унитар корхонаси (Т.Шаропов)га ушбу қарорни Давлат рўйхатидан ўтказиш ва туман Давлат солиқ инспекциясига маълумот тақдим этиш топширилсин.
3. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Б.Қодиров зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б.Садуллаев